

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ОХУНЖАНОВА МАДИНА ЗАФАРОВНА

**ИНСУЛЬТДАН КЕЙИНГИ ОҒРИҚ СИНДРОМИ КЕЧИШИ
ХУСУСИЯТЛАРИ, ДИАГНОСТИКА ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИ**

14.00.13 – Неврология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2025

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in medical
science**

Охунжанова Мадина Зафаровна

Инсультдан кейинги оғриқ синдроми кечиши хусусиятлари, диагностика ва
реабилитацияси 3

Охунжанова Мадина Зафаровна

Особенности течения, диагностика и реабилитация постинсультных болевых
синдромов 24

Oxundjanova Madina Zafarovna

Features of the course, diagnosis, and rehabilitation of post-stroke pain
syndromes 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ОХУНЖАНОВА МАДИНА ЗАФАРОВНА

**ИНСУЛЬТДАН КЕЙИНГИ ОҒРИҚ СИНДРОМИ КЕЧИШИ
ХУСУСИЯТЛАРИ, ДИАГНОСТИКА ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИ**

14.00.13 – Неврология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.2. PhD/Tib2772 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжиева Дилбар Таджиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Журабекова Азиза Тохировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Раимова Малика Мухамеджановна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қирғизистон давлат тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.И.Тўқсанова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотиغا кўра, ўлим кўрсаткичи бўйича инсулт касаллиги юрак-қон томир касаллигидан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди¹. Дунёнинг турли мамлакатларида «...ҳар йил 6 млн инсулт юзага келади, касаллик ўткир даврида (биринчи 28 кун) беморларнинг ярмидан кўпи ҳалок бўлади (52-63 %), беш йил давомида эса биринчи марта инсулт ўтказганларнинг 70%и вафот этади. Инсултларнинг 25-32%и такрорий хусусиятга эга»². Инсулт билан курашиш бўйича миллий қўмитанинг (ИКМҚ) статистик маълумотларига кўра, “...инсултдан кейин юзага келган ногиронликнинг оғир даражаси 76%ни ташкил қилади, амалга оширилаётган ташкилий ва терапевтик тадбирларга қарамай ногиронликни камайиши кузатилмаяпти»³. Бугунги кунга келиб, дунё миқёсида 15 млндан ортиқ инсулт билан касалланганлар бўлса, уларнинг 5 млн. нафари узоқ муддатли ногиронликка учрамоқда, мазкур муаммонинг муҳим тиббий- ижтимоий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Жаҳонда ушбу касаллик билан оғриган беморлар орасида инсултдан кейинги биринчи йилда касалланганларнинг атиги 20%и ишга қайтади, 31%и ўзгалар кўмагига муҳтож бўлади, 20%и мустақил ҳаракатлана олмайди, 55%и ҳаёт сифатидан қониқмайди. Инсултдан кейинги оғриқ синдроми беморларнинг 12-55% ида учраб, уларнинг 70% и ҳар кунги оғриқларни ҳис қилади. Инсултдан кейинги марказий оғриқлар 1-12% ни ташкил қилади, ишемик инсулт ўтказган беморларда геморрагик инсултларга нисбатан оғриқ синдроми кўпроқ кузатилади. Оғриқ синдромининг яққоллиги бевосита когнитив бузилишлар, депрессия ва ҳавотир даражаси кучига боғлиқ. Оғриқ синдромини даволаш эрта бошланиши реабилитация натижавийлиги ошишига олиб келади.

Мамлакатимизда неврологик касалликларни эрта аниқлаш, сифатли ташхислаш ва даволаш бўйича кенг қўламли дастурлар амалга оширилмоқда, хусусан, “...цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларга юқори даражадаги ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш сифатини тубдан такомиллаштириш ва унинг спектрини кенгайтириш бўйича комплекс чоратадбирларни олиб бориш замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг олдига қўйган вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади”⁴. Ушбу вазифалар ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимига тиббиётнинг барча соҳаларида

¹ WHO. World health statistics, 2015; WHO.Hearts: technical package for cardiovascular disease management in primary health care, 2018

² Первичная профилактика инсультов: учебное пособие для студентов / А. А. Ярута, С. И. Леонтьева; ФГБОУ ВО ИГМУ Минздрава России, Институт сестринского образования, кафедра теории и практики сестринского дела. – Иркутск : ИГМУ, 2016. – 55 с.

³ <http://www.nabi.ru/ob-assotsiatsii/>

⁴ 20.06.2017й Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни келгусида ривожлантиришга доир чор-тадбирлар тўғрисидаги” ПФ-3071-сонли Фармони.

замонавий илмий-тадқиқот фаолиятининг ютуқларини фаол жорий этишни назарда тутати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оғриқ синдромини даволаш эрта бошланиши реабилитация натижавийлиги ошишига олиб келади (Harrison R.A., 2015). Ривожланган давлатларда инсультдан ўлим даражаси 37%, ривожланаётганларда 20% бўлса-да, инсульт оқибатидаги ногиронлик даражаси ортиб бормоқда (Feigin et al., 2016). Инсультдан кейинги оғриқлар шифокорга мурожаат қилаётган беморлар орасида энг кўп учрайдиган шикоят бўлиб, бу масала кўплаб тадқиқотларда қайд этилган (Sanchis M.N., 2016).

Дунё миқёсида 15 млндан ортиқ инсульт билан касалланганлар бор, уларнинг 5 млн нафари узок муддатли ногиронликка учрайди, айниқса меҳнатга лаёқатли ёшдаги ногиронлик муҳим тиббий-ижтимоий муаммодир (Ковальчук В.В. ва ҳаммуаллифлар, 2016; Помников В.Г. ва ҳаммуаллифлар, 2017; Скворцова В.И. ва ҳаммуаллифлар, 2018; Дудайте В.В. ва ҳаммуаллифлар, 2019; Ноздрюхина Н.В. ва ҳаммуаллифлар, 2020). Биринчи йилда беморларнинг фақат 20%и ишга қайтиши, 31%и бошқалар ёрдамига муҳтожлиги, 20%и мустақил ҳаракатлана олмаслиги ва 55%и ҳаёт сифатидан норозилиги мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли кайфиятига салбий таъсир қилади (Помников В.Г. ва ҳаммуаллифлар, 2017; Скворцова В.И. ва ҳаммуаллифлари, 2018). Инсультдан кейинги оғриқ синдроми беморларнинг 12–55% ида учрайди, уларнинг 70% и ҳар куни оғриқни ҳис қилади. Марказий оғриқлар 1–12% ни ташкил қилади ва ишемик инсультда геморрагик инсультга нисбатан кўпроқ кузатилади (Костенко Е.В., 2017; Кукушкин М.Л., 2017).

Ўзбекистонда аҳоли орасида ўлим кўрсаткичини пасайтириш мақсадида турли дастурлар ишлаб чиқилган (Хайдаров Н.К., 2019; Рўзиев Ш.С., 2021; Бобоқулов Г.Д., 2021), аммо инсультдан кейинги оғриқларни дори ва дорисиз усуллар комбинацияси билан даволаш ўрганилмаган. Шу боис, тиббий ёрдам сифатини ошириш, реабилитация самарадор усулларини аниқлаш ва ягона ташхис-даволаш тамойилини ишлаб чиқиш ушбу тадқиқотнинг асосий

мақсадини ташкил этади. Инсултдан кейинги оғриқ синдроми бош мия қон томирларига ва этиопатогенетик омилларга боғлиқ ҳолда кечиши, шунингдек ишемик инсулт профилактикасидаги етишмовчилик тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Абу али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (09.2025.PhD234) “COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади: Ишемик ва геморрагик инсултдан кейинги оғриқ синдромининг кечиш хусусиятларини ўрганиш, реабилитация чора тадбирларини ишлаб чиқиш

Тадқиқотнинг вазифалари:

текширилаётган контингентда ишемик ва геморрагик инсултларда оғриқ синдромини патологик ўчоқ ўрнига кўра дифференциал баҳолаш ва инсултдан кейинги невропатик оғриқларни клиник-неврологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

инсултнинг турли босқичларида инсултдан кейинги оғриқнинг юзага келиши ва даражасига нейрпсихологик кўрсаткичларнинг аҳамиятини аниқлаш;

MDA, NO ва GSH концентрациялари билан оғриқ даражаси (ВАШ шкаласи) ва функционал мустақиллик (Бартел индекси) кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғланишларни аниқлаш;

ТМС ва антиоксидант терапияни қўллаш натижасидаги клиник ва биохимик динамик ўзгаришларни (MDA, NO, GSH, VAS, Бартел) баҳолаб, уларнинг ўзаро патогенетик боғлиқлигини илмий асослаш;

олинган натижалар асосида ишемик инсултдан кейинги оғриқ синдромига чалинган беморларда комплекс (ТМС + антиоксидант терапия) реабилитация усулининг самарадорлигини баҳолаш ва клиник тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти: 2020-2023 йиллардв Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида геморрагик ва ишемик инсултдан кейинги оғриқлардан азият чекаётган стационар шароитда даволанаётган 143 нафар бемор, назорат гуруҳини 30 нафар амалий соғломлар ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида умумклиник- объектив, лаборатор, нейрпсихологик, нейрофизиологик, невровизуал текширув усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотдан кутилган мақсадга эришиш учун умумклиник- объектив, лаборатор, нейрпсихологик, нейрофизиологик, инструментал текширув усулларидадан фойдаланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсультлардан кейинги оғриқ синдроми патологик ўчоқ локализациясига, чуқурлигига ва оғриқнинг невропатик хусусиятларига кўра дифференциал баҳолашиб, оғриқнинг клиник-неврологик кўрсаткичлар билан боғлиқлиги илмий жиҳатдан асосланган;

MDA, NO, GSH даражалари билан ВАШ (оғриқ шкаласи) ва Бартел индекси кўрсаткичлари оғриқ локализацияси ўртасидаги корреляцион боғланишлар (MDA концентрациясининг ошиши ва GSH кўрсаткичининг пасайиши) биринчи марта аниқланган;

инсультдан кейинги оғриқ синдромига чалинган беморларда транскраниал магнит стимуляция билан антиоксидант терапия комбинациясининг оксидатив стресс биомаркерлари (MDA, NO, GSH) ва клиник-неврологик кўрсаткичларга таъсири комплекс баҳоланган;

транскраниал магнит стимуляциянинг нейробиокимёвий самараси (MDA ва NO концентрациясининг пасайиши, GSH кўрсаткичининг ошиши) динамик жиҳатдан ўрганилиб, шу асосда дифференциал ёндошилган алгоритм ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ишемик ва геморагик инсультдан кейинги оғриқ синдроми илк марта патологик ўчоқ ва невропатик хусусиятларга қараб дифференциал баҳолаш орқали клиник-неврологик боғлиқлиги аниқланди.

MDA, NO ва GSH концентрациялари билан ВАШ ва Бартел кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция илк бор аниқланди: MDA ошиши оғриқни кучайтирса, GSH ошиши функционал тикланишни рағбатлантирди.

ТМС ва антиоксидант терапия комбинациясининг оксидатив стресс биомаркерлари ва клиник-неврологик кўрсаткичларга таъсири комплекс баҳоланди ва патогенетик боғлиқлиги илмий асосланди.

ТМСнинг клиник ва биохимик самараси динамик ўрганилиб, инсультдан кейинги оғриқ синдромини патогенетик самарали даволаш ва реабилитация алгоритми ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник-неврологик, нейрopsихологик, биокимёвий, нейровизуалогик, статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инсультдан кейинги оғриқ синдроми кузатилган беморларни эрта ташхисоти, реабилитация чора-тадбирларини олиб бориш, даволашнинг индивидуал турини танлаш ҳамда

беморларнинг психологик ва жисмоний лаёқатини ошириш, меҳнат қобилиятини тиклашга, бу комплекс тадбирларни амалиётда қўллаш клиницистлар учун ҳам хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инсультдан кейинги оғриқ синдроми кузатилган беморларда касалликнинг асоратланган шакли ривожланиши олдини олиш, ҳамда касалликнинг эрта даврида реабилитацион-тиқловчи чораларни амалга оширишда фармакологик воситалар билан бир қаторда тиқловчи терапиядан фойдаланиш, шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз кунлар сонини камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инсультдан кейинги оғриқ синдроми мавжуд беморларда клиник-неврологик, нейропсихологик, нейровизуал текширувлар динамикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида амалиётга татбиқ қилиш материаллари ишлаб чиқилган;

Инсультдан кейинги оғриқ синдроми мавжуд беморларни комплекс даволашдан олинган илмий натижалар асосида «Инсультдан кейинги оғриқ синдроми даволаш усуллари тақомиллаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2023-йил 18-ноябрь 23-м/136-сонли маълумотномаси) ва «Инсультдан кейинги оғриқ синдроми клиник-неврологик хусусиятларининг ўзига хослигини аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2023-йил 18-ноябрь 23-м/126-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаси беморларда габапентин ва физиотерапевтик, психотерапевтик коррекция қўлланилишининг клиник аҳамиятини очиб бериш, клиник-неврологик хусусиятларни аниқлаш имконини берган;

Инсультдан кейинги оғриқ синдроми мавжуд беморларда клиник-неврологик хусусиятларни ўрганиш, вегетатив бузилишларни эрта ташхислаш ва даволаш муддатларини қисқартириш, профилактик ёрдам сифатини ошириш, мазкур касалликларни реабилитациясида физиотерапия, психотерапиядан фойдаланишни йўлга қўйиш, ҳамда касаллик асоратларини олдини олиш бўйича олинган тадқиқот натижалари Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Навои вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлимлари амалий фаолиятига тадбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июндаги 19/71 сонли хулосаси).

Биринчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: инсультдан кейинги оғриқ синдромининг патологик ўчоқ ва невропатик хусусиятларига кўра дифференциал баҳолаш ва клиник-неврологик кўрсаткичлар билан боғлиқлигининг аниқланиш, индивидуаллаштирилган реабилитация ва самарали даволаш орқали беморларнинг кундалик ҳаётдаги фаоллигини ва ижтимоий интеграциясини ошириш имконини берди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** ишемик инсульт

беморларнинг стационарга мурожаатлари сони қисқариши ва даволаниш кўрсатмаси ҳисобидан ҳар бир нафар бемор учун сарфланадиган бюджет харажатларини 1 860 000 сўмга иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** ишемик ва геморрагик инсультнинг эрта ва кеч босқичларида оғриқни бартараф этиш орқали кузатилиши мумкин бўлган неврологик асоратларни олдини олиш ҳисобига беморларнинг реанимацион ва стационар харажатларидан ҳар 1 бемор учун бюджет маблағлари ҳисобидан 1 840 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 720 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Иккинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: стресс-оксидатив биомаркерларининг (MDA, NO ва GSH) оғриқнинг оғирлик даражаси (ВАШ) ва функционал тикланиш даражаси (Бартел индекси) ўртасидаги боғлиқлигини аниқланиш инсультдан кейинги оғриқни прогноз қилиш ва индивидуаллаштирилган реабилитация дастурларини яратиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ва ижтимоий фаоллигини яхшилаш имконини берди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:** клиник симптомларни, лаборатор таҳлил кўрсаткичи эрта аниқланганда беморларнинг стационарга мурожаатлар сони 3 мартага камайди, мутахассис кўриги ва стандарт бўйича бажариладиган бошқа лаборатор таҳлиллар сони 2 мартага қисқариши ҳисобидан 118 800 сўм, бюджетдан ташқари 92 300 сўм миқдордаги харажат иқтисод қилинган. **Хулоса:** ишемик ва геморрагик инсультдан кейинги оғриқ синдроми кузатилган беморларда клиник ва лаборатор кўрсаткичларни эрта ташхислаш ҳисобидан ҳар 1 нафар бемордан 125 100 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: инсультдан кейинги оғриқ синдроми бўлган беморларда ТМС ва антиоксидант терапия комбинациясининг оксидатив стресс биомаркерлари ва клиник-неврологик кўрсаткичларга ижобий таъсирини комплекс баҳолашда самарали даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш орқали беморларнинг функционал тикланишини, ҳамда ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллигини ошириш имконини берди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:** Оғриқни эрта аниқлаш ва мақсадли реабилитация усуллари орқали даволаш муддати ва ресурслар сарфини қисқартирилди, шифохонага қайта мурожаатлар сони камайди, ҳамда меҳнатга лаёқатни тиклаш тезлашди. Шу орқали мурожаатлар сони 3 мартага камайди, мутахассис кўриги ва стандарт бўйича бажариладиган бошқа лаборатор таҳлиллар сони 2 мартага қисқариши ҳисобидан ҳар бир нафар беморга бюджет ҳисобидан 604 000 сўм, бюджетдан ташқари 292 000 сўм миқдордаги харажат иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** Даволаш жараёнини самарали ташкил этиш, шифохонага қайта мурожаатлар сонини камайтириш, мутахассис кўриги ва лаборатор таҳлиллар сонининг қисқартириш ҳисобидан ҳар бир нафар бемордан 433 700 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тўртинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ТМСнинг клиник ва биохимик самаралари динамик равишда ўрганилиши ва антиоксидант тизимни фаоллаштирувчи нейробиохимик механизми асосида

алгоритм ишлаб чиқилиши, инсультдан кейинги оғриқ синдромини самарали даволаш ногиронлик кўрсаткичларининг пасайиши ва профилактик тадбирларнинг самарадорлиги ортишига эришилган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** Инсультдан кейинги оғриқларда ногиронлик ҳолатларининг камайиши, профилактика чора тадбирларининг самарадорлиги ҳисобига стационар шароитда қўлланиладиган тадбирларига кетадиган харажатлар бир нафар бемор ҳисобига 1 635 000 сўмга иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** клиник, неврологик ва лаборатор кўрсаткичлар маълумотларига асосланиб Инсультдан кейинги оғриқларда беморларда спастика ва контрактуралар бўлиш хавфини башоратлаш ва профилактик алгоритмининг қўллаш касалликни олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижасини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, ҳамда 2 та ЭҲМ дастури тавсия этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсия, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 106 бетдан иборат.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг биринчи боби «**Ишемик ва геморрагик инсультларда оғриқ синдроми патогенези, ташхислаш ва терапевтик ёндашув масалаларининг замонавий ҳолати**» деб номланган бўлиб, тўрт бўлимдан иборат, ишемик ва геморрагик инсульт тарқалиши, патогенези, ишемик ва геморрагик инсультлардан кейинги оғриқ синдроми ташхислаш, қиёсий ташхисот ва олдини олишга оид замонавий қарашлар, адабиётларда келтирилган маълумотлар бўйича ишемик ва геморрагик инсультлардан кейинги оғриқларда беморлар ҳаёт сифати ёритилган. Адабиётлар шарҳи орқали сўнгги 10 йилда қўлланилган ва тавсия этилган даволаш усулларининг афзаллиги ва камчилиги назарий таҳлил қилинган, шунингдек, муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқлик талаб қиладиган томонлари кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Инсультдан кейинги оғриқ синдроми материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланган материал ва усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Мақсад ва вазифаларга мос ҳолда мазкур илмий-тадқиқот иши Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология булимида 2019-2023 йиллар давомида амалга оширилди.

Тадқиқотга жалб қилинган ишемик ва геморрагик инсультдан кейин оғриқ кузатилган 143 нафар беморлар ўрганилди.

Асосий гуруҳдаги беморлар икки гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳ беморлар (n=72) анъанавий давога қўшимча равишда елка чигали атрофига бупивакаин блокадаси, ТМС усули, биокимёвий биомаркерлар таҳлил натижалари асосида липид пероксидациясини, GSH тикланишини кучайтирувчи, глутатион синтезини стимулловчи, митохондриял ҳимоя, нейропластикликни яхшиловчи, нерв регенерациясини тезлаштирадиган дори воситалар ёрдамида индивидуал терапияни қабул қилишди. 2- гуруҳ беморлар (n=71) анъанавий даво муолажалари қабул қилишди.



1-расм. Тадқиқотга қатнашган беморлар ёш ва жинсига кўра тақсимланиши

Анъанавий даво сифатида габапентин 300 мг 1 таблеткадан 2 маҳал қўлланилди. Назорат гуруҳи сифатида 30 нафар амалий соғлом инсонлар танланди. Беморларнинг ёши- 18 дан 74 ва 74< ёш, ўртача ёш $57,97 \pm 8,35$ ташкил этди (1-расм).

Натижалар анъанавий вариацион статистика усули билан тиббий-биологик тадқиқотлар учун қўлланиладиган дастурдан фойдаланилган ҳолда персонал компьютерда ишланган.

Диссертациянинг «**Шикастланишнинг жойлашуви ва ҳажмига боғлиқ ҳолда ишемик ва геморрагик инсульт билан оғриган текширувдаги беморларнинг дастлабки ҳолати**» деб аталган учинчи бобда геморрагик ва ишемик инсультдан кейин оғриқ синдроми мавжуд беморларда клиник-неврологик, нейровизуал ва нейрофизиологик бузилишларнинг динамикасини баҳолаш натижалари тақдим қилинган.

143 нафар ИКОС беморлари эрта (48; 33,6 %), кечки (71; 41,3 %) ва резидуал (24; 25,1 %) даврларга тақсимланди, даврлар бўйича тарқалишда фарқ статистик аҳамиятли бўлди ($\chi^2 = 6,72$; $p < 0,05$), бу оғриқнинг кеч ва резидуал босқичларда узоқ давом этишини кўрсатди (1-жадвал).

1-жадвал

Инсульт даврига кўра беморларнинг тақсимланиши

Инсульт тикланиш даврлари	Асосий гуруҳ (n=143)	
	М	%
Эрта тикланиш даври (1–6 ойгача)	48	33,6
Кеч тикланиш даври (6-12 ойгача)	71	41,3
Резидуал давр (1 йилдан ошиқ)	24	25,1
Жами	143	100

АГда ИКОС кузатилган беморларда мушак заифлиги энг кўп учраган симптом 77,6 %, тактиль гипестезия/парестезия 64,3 %, мушак тонуси/спастиклик 58,0 %, Babinski рефлекси 34,3 %, қон босими лабиллиги/тахикардия 40,6 %, HADS бўйича депрессия 46,2 %, хавотир 39,9 %, уйқу бузилиши 44,8 % ҳолатда қайд этилди; назорат гуруҳда ушбу кўрсаткичлар 0–20 % даражада бўлиб, фарқ статистик аҳамиятли эди ($\chi^2 >14$; $p <0,001$), (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида клиник-неврологик кўрсаткичларнинг намоён бўлиш даражаси

Кўрсаткичлар	АГ (n=143)		НГ (n=30)		χ^2	p
	абс	%	абс	%		
Мушак заифлиги	111	77,6	6	20,0	40,3	<0,001
Мушак тонуси / спастиклик	83	58,0	4	13,3	35,2	<0,001
Координация бузилиши	59	41,3	2	6,7	22,1	<0,001
Тактиль гипестезия / парестезия	92	64,3	3	10,0	35,1	<0,001
Патологик рефлекс (Babinski)	49	34,3	0	0,0	17,1	<0,001
Қон босими лабиллиги /тахикардия	58	40,6	2	6,7	19,8	<0,001
Депрессия (HADS ≥ 14)	66	46,2	3	10,0	17,5	<0,001
Хавотир (HADS ≥ 14)	57	39,9	2	6,7	14,3	<0,001
Уйқу бузилиши (PSQI>5)	64	44,8	3	10,0	15,9	<0,001

ИКОС кузатилган АГ беморларида инсултнинг эрта тикланиш даврида оғриқ энг юқори, кучли бўлиб, кеч тикланиш даврида ўртача оғриқлар кўпайиб, кучли оғриқ камайган, резидуал даврда оғриқ сурункали шаклга эга бўлиб, ўрта даражадаги оғриқлар кўп учраганлиги, кучли оғриқлар 42 % ни ташкил этди.

ВАШ бўйича оғриқнинг оғирлик даражасига кўра инсултнинг эрта тикланиш даврида энгил оғриқлар $3,2 \pm 0,3$, ўрта даражадаги оғриқлар $5,8 \pm 0,4$, кучли оғриқлар $8,6 \pm 0,5$ баллни, кеч тикланиш даврида эса мос равишда $2,8 \pm 0,3$; $5,1 \pm 0,4$; $7,2 \pm 0,5$ баллни; резидуал даврда мос равишда $2,1 \pm 0,2$; $4,8 \pm 0,3$; $6,9 \pm 0,4$ баллни ташкил этди (2- расм).

Статистик таҳлилга кўра, эрта босқичда оғриқ кўрсаткичлари кечки ва резидуал босқичларга нисбатан аҳамиятли юқори бўлиб ($\chi^2=8,72$; $p=0,013$), бу биринчи 6 ойда оғриқ энг юқори ва кейинги босқичларда сезиларли камайишини кўрсатди ($p <0,05$).



2- расм. АГ да инсултнинг даврига кўра ВАШ шкаласи бўйича оғриқ кўрсаткичлари (балл)

МРТга кўра, ишемик инсултда оғриқ асосан ўнг ярим шардаги пўстлоқости (таламик) ва аралаш (кортико-субкортикал) ўчоқлар билан боғлиқ бўлиб, ВАШ $6,9 \pm 0,5$ ва $7,3 \pm 0,4$ балл ($p < 0,01$); чап ярим шарда эса пўстлоқости $5,8 \pm 0,4$, аралаш $6,6 \pm 0,5$ балл ($p < 0,05$). Геморрагик инсултда пўстлоқости $7,2 \pm 0,6$, аралаш $7,8 \pm 0,5$ балл ($p < 0,05$), бу марказий сенситизация ва тўқимавий деструкция билан изоҳланди (3-жадвал).

3- жадвал

МРТ бўйича ишемик ўчоқ локализацияси, инсултнинг турига кўра ВАШ шкаласи бўйича оғриқ кўрсаткичлари ($M \pm m$, балл)

Ўчоқ локализацияси	%	Пўстлоқ кортикал	Пўстлоқ ости субкортикал таламус	Аралаш (кортико субкортикал)	Ички капсула
Ўнг ярим шар	52,3	$5,1 \pm 0,4$	$6,9 \pm 0,5$	$7,3 \pm 0,4^{**}$	$6,8 \pm 0,5$
Чап ярим шар	37,6	$4,2 \pm 0,3$	$5,8 \pm 0,4$	$6,6 \pm 0,5^*$	$5,9 \pm 0,4$
Икки томонлама аралаш	10,1	—	$6,4 \pm 0,5$	$7,0 \pm 0,6^*$	—
Ишемик инсулт	85,3	$4,8 \pm 0,3$	$6,5 \pm 0,4$	$7,1 \pm 0,4^{**}$	$6,2 \pm 0,4$
Геморрагик инсулт	14,7	$5,4 \pm 0,5$	$7,2 \pm 0,6$	$7,8 \pm 0,5^{**}$	$7,0 \pm 0,5$
Изох	* $p < 0,05$; ** $p < 0,01$ - кортико субкортикал ўчоқ жойлашуви пўстлоқ –кортикалга нисбатан				

Оғриқ ўчоқ локализацияси ва инсулт турига боғлиқ фарқлар статистик жиҳатдан ишончли бўлиб ($\chi^2 = 9,84-10,52$; $p < 0,01$), таламик ва аралаш кортико-субкортикал шикастланишлар марказий оғриқ ривожланишида асосий роль ўйнайди.

ИККОС кузатилган АГ ($n=143$) беморларда Ashworth шкаласи бўйича шикастланган мучада спастикалик: эрта тикланиш даврида елка $1,8 \pm 0,2$, тирсак $2,1 \pm 0,3$, билак $2,0 \pm 0,2$, бармоқ $1,7 \pm 0,2$ баллни; кеч тикланиш даврида мос равишда $2,4 \pm 0,3$; $2,8 \pm 0,3$; $2,5 \pm 0,3$; $2,3 \pm 0,3$ баллни (ўртача $2,5 \pm 0,25$; $\chi^2 = 8,72$; $p < 0,01$); резидуал даврда елка $2,9 \pm 0,3$, тирсак $3,2 \pm 0,4$, билак $3,0 \pm 0,3$, бармоқ $2,8 \pm 0,3$ баллни ташкил этди (ўртача $2,98 \pm 0,3$; $\chi^2 = 10,54$; $p < 0,001$), (4-жадвал).

4- жадвал

Ashworth Scale га кўра шикастланган мучалар спастик даражасига кўра оғриқ яққоллиги (балл, $M \pm m$)

Инсултнинг тикланиш давлари	Елка бўғими	Тирсак бўғими	Билак бўғими	Бармоқлар	Ўртача MAS	χ^2	p
Эрта тикланиш даври (n=48)	1,8±0,2	2,1±0,3	2,0±0,2	1,7±0,2	1,9±0,2	—	—
Кеч тикланиш (n=71)	2,4±0,3	2,8±0,3	2,5±0,3	2,3±0,3	2,5±0,25	8,72	<0,01
Резидуал давр (24)	2,9±0,3	3,2±0,4	3,0±0,3	2,8±0,3	2,98±0,3	10,5	
<i>Изох</i>	<i>Спастиклик даражаси инсулт давларига кўра ишончли равишда ортиб борди (p<0,01)</i>						

Инсултдан кейинги тикланиш давларида юқори мучаларда спастиклик ишончли равишда ортиб борди ($p < 0,001$).

ИКОС кузатилган беморларда Бартел индекси бўйича оғриқнинг оғирлик даражаси ошиши билан кундалик фаолият кўрсаткичи ҳам пасайиб, эрта тикланиш даврида енгил оғриқлар кузатилган беморларда $88,6 \pm 2,5$ баллни, ўрта даражадаги оғриқларда $80,3 \pm 2,4$ баллни ва куч ифодаланган оғриқларда $71,6 \pm 2,2$ баллни ташкил этди ($\chi^2 = 12,84$; $p < 0,05$). Инсултнинг кеч тикланиш даврида мос равишда $91,2 \pm 2,1$; $85,4 \pm 2,3$; $78,2 \pm 2,5$ баллни ($\chi^2 = 16,72$; $p < 0,01$), резидуал даврда бўлса мос равишда $94,2 \pm 1,9$; $88,1 \pm 2,2$; $80,6 \pm 2,3$ баллни ташкил этди ($\chi^2 = 11,38$; $p < 0,05$), (5-жадвал).

5-жадвал

ИКОС кузатилган беморларда Бартел шкаласи бўйича кундалик ҳаётга эҳтиёжмандлик даражаси (балл, $M \pm m$)

Инсултнинг тикланиш давлари	ВАШ шкаласи бўйича оғирлик даражаси		Ўрта қарамлик (21-60)	Енгил қарамлик (61-90)	Мустақил (91-100)
Эрта тикланиш даври (n=48)	енгил	3,2±0,3	43,5±2,8	68,4±3,1	88,6±2,5
	ўрта	5,8±0,4	38,2±2,6	59,5±2,9	80,3±2,4
	кучли	8,6±0,5**	31,4±2,4*	53,2±3,0*	71,6±2,2
Кеч тикланиш даври (n=71)	енгил	2,8±0,3	51,3±2,9	74,8±2,6	91,2±2,1
	ўрта	5,1±0,4	43,6±2,5	66,1±2,8	85,4±2,3
	кучли	7,2±0,5***	36,8±2,3**	58,7±2,7*	78,2±2,5*
Резидуал давр (n=24)	енгил	2,1±0,2	56,4±2,7	81,3±2,4	94,2±1,9
	ўрта	4,8±0,3	48,9 ±2,6	73,2±2,5	88,1±2,2
	кучли	6,9±0,4***	41,6±2,4*	65,8±2,8*	80,6±2,3*

Изох: Статистик таҳлил натижаларига кўра, гуруҳлар орасида ишончли фарқлар эрта ва резидуал тикланиш давларида $p < 0,05$, кеч тикланиш даврида эса юқори ишонч даражасидаги фарқлар ($p < 0,01$) қайд этилди.

ИКОС беморларда Мак-Гилл шкаласига кўра мотор ва сенсор функциялар пасайиши вегетатив дисбаланс билан боғлиқ бўлиб, Кердо индекси ва HRV симпатик устунликнинг тахминан 1,5 баробар ошганини кўрсатди. (6-жадвал).


6 - жадвал

ИКОСда Вегетатив тизим ҳолати Кердо индекси ва гемодинамик кўрсаткичлари (M±m)

Кўрсаткичлар	АГ-1 (n=143)			НГ (норма)
	Эрта тикланиш даври	Кеч тикланиш даври	Резидуал давр	
Систолик АБ, мм.сим.уст.	152,4±2,8**	142,6±2,5*	134,8±2,4	122,6±2,3
Диастолик АБ мм.сим.уст.	94,6±1,9**	88,5±1,7**	82,3±1,6*	78,2±1,5
Юрак уриш сони, зарб/да	88,2±2,1*	82,5±2,0*	76,4±1,9	72,4±1,8
Кердо индекси	+12,8±1,6***	+6,4±1,5*	-1,8±1,4	-4,2±1,3
Изох	<i>*p<0,05 - фарқ нормага нисбатан ишончли); **p<0,01– фарқ нормага нисбатан юқори даражада ишончли</i>			

ИКОС кузатилган беморларда вегетатив тизимда симпатик фаоллик кузатилиб, эрта тикланишда АБ 152,4/94,6 мм.сим.уст., юрак уриш 88,2 зарб/дак, Кердо +12,8±1,6 (p<0,001) симпатикотонияни кўрсатди; кечкида Кердо +6,4±1,5 симпатик фаоллик пасайиши ва қисман мувозанатни ифода этди; резидуалда Кердо -1,8±1,4 ва гемодинамик кўрсаткичлар нормаллашиши ваготония ва компенсация босқичини кўрсатди.

Тадқиқотда беморларда хавотир ва депрессия даражаси АГ да НГ га нисбатан юқори бўлиб (p<0,05), Ишемик инсульт билан оғриган беморларда HADS шкаласи бўйича хавотир (HADS–A) ва депрессия (HADS–D) даражалари таҳлили шуни кўрсатдики, ҳар уч тикланиш босқичида ҳам бу кўрсаткичлар ишончли равишда пасайиб борган (p<0,05). Эрта даврда хавотир даражаси ўнг гемисфера шикастланишида 12,8±0,7 баллни ташкил этиб, чап гемисферадаги 10,4±0,6 баллга нисбатан тахминан 1,2 баробар юқори бўлган, кейинги даврларда бу фарқ 1,3 ва 1,1 баробар атрофида сақланди (t=2,45; p<0,05), (3-расм).



3-расм. ИКОС да HADS шкаласи бўйича хавотир ва депрессия кўрсаткичлари (M±m)

ИКОС кузатилган АГ беморларда қоннинг коагуляцион ва биокимёвий кўрсаткичлари ўзгариши қон гомеостази, микроциркуляция ва метаболизмда бузилишларни кўрсатди. Инсултнинг эрта тикланиш даврида ПТВ узайган ($16,8 \pm 0,5$ с; $p < 0,01$), ПТИ пасайган (82,3%), фибриноген $4,8 \pm 0,2$ г/л ($p < 0,01$), АЧТВ қисқарган, МНО ошган, бу гиперкоагуляция ва эндотелиал дисфункция билан боғлиқ бўлиб, мочевино ва креатинин юқорилиги, глюкоза $6,8 \pm 0,3$ ммоль/л ни ташкил этганлиги аниқланди ($p < 0,01$). Бу ўз навбатида стресс-гипергликемия ва симпатоадренал фаолликни кўрсатди. Кечки ва резидуал даврларда кўрсаткичлар қисман нормаллашди (7-жадвал).

7 - жадвал

Қоннинг биокимёвий ва коагулограмма натижалари (M±m)

Коагулограмма	Асосий гуруҳ (n=143)			Назорат гуруҳ (n=30)
	Эрта давр	Кечки давр	Резидуал босқич	
ПТВ (сек)	$16,8 \pm 0,5^{**}$	$15,6 \pm 0,4^*$	$14,9 \pm 0,3$	$13,6 \pm 0,3$
ПТИ %	$82,3 \pm 2,4^{**}$	$86,7 \pm 2,1^{**}$	$90,2 \pm 1,8$	$96,4 \pm 1,5$
Фибриноген г/л	$4,8 \pm 0,2^{**}$	$4,3 \pm 0,2^*$	$3,9 \pm 0,1$	$3,3 \pm 0,1$
АЧТВ (сек)	$24,2 \pm 0,8^*$	$25,6 \pm 0,7$	$26,8 \pm 0,6$	$28,4 \pm 0,5$
МНО	$0,98 \pm 0,05^*$	$1,11 \pm 0,04$	$1,19 \pm 0,03$	$1,12 \pm 0,02$
Мочевина ммоль/л	$7,2 \pm 0,3^{**}$	$6,6 \pm 0,3^*$	$6,0 \pm 0,2$	$5,1 \pm 0,2$
Креатинин мкмоль/л	$104,8 \pm 3,8^*$	$98,6 \pm 3,2$	$94,2 \pm 2,9$	$86,4 \pm 2,6$
Қанд мик ммоль/л	$6,8 \pm 0,3^*$	$6,3 \pm 0,2^*$	$5,9 \pm 0,2$	$5,1 \pm 0,1$
<i>Изох</i>	<i>*p < 0,05; **p < 0,01, резидуал даврга нисбата статистик ишончли фарқ.</i>			

Шундай қилиб, инсултдан кейинги оғриқ синдроми билан кечувчи беморларда гемостаз ва метаболик кўрсаткичларидаги ўзгаришлар ишемик жааённинг давомий таъсири ва нейрогумораль регуляциянинг бузилиши билан изоҳланди.

ЭНМГда М-жавоб амплитудаси дистал ва проксимал паретик томонда $4,39 \pm 1,7$ ва $4,32 \pm 1,8$ мВга пасайиб, СРВ мотор толаларда $50,39 \pm 4,6$ м/с, сенсор толаларда $46,06 \pm 9,9$ м/сга тушди, ПД пик-амплитудаси $3,03 \pm 1,7$ мкВ, латентлиги $2,80 \pm 0,9$ мсга узоқлашди. Км/с кўрсаткичи паретик томонда $116,11 \pm 35,3$ га ошган, бу компенсация механизмлари ва ЭНМГ тўлқин хусусиятлари билан боғлиқлиги аниқланди (8-жадвал).

8 - жадвал

Электронеуромиография натижалари

ЭНМГ-кўрсаткич		Меъёрий белги	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳ
			Соғлом томон	Парез Томон	
М-жавоб	дистал	>3,5	$5,84 \pm 2,1$	$4,39 \pm 1,7^*$	$4,0 \pm 0,5$

амплитудаси, мВ	проксимал	>3,5	5,36±2,2	4,32±1,8*	4,0±0,5
Латентлик, мс	дистал	3,5±0,1	3,8±0,8	3,75±0,7	3,6±0,2
	проксимал		8,40±1,2	8,54±1,3	8,0±0,5
Давомийлик, м	дистал	<7,6	5,63±1,0	5,78±0,8	5,7±0,5
	проксимал	<7,6	5,87±0,8	6,11±1,0	6,0±0,5
ҚТТ мотор тола м/с		≥50	53,56±4,4	50,39±4,6*	55,0±3,0
Амплитуда ПД, мкВ		>6	3,52±2,9	3,03±1,7	6,5±1,0
Латентлик ПД, мс			2,23±0,4	2,80±0,9*	2,3±0,2
ҚТТ сенсор тола		≥50м/с	56,50±9,1	46,06±9,9*	55,0±5,0
Резидуал латентлик, мс		≤2,5	2,67±0,5	2,92±0,8	2,4±0,2
Км/с		90-100	97,72±19,9	116,11±35,3*	95,0±5,0
<i>Изох</i>	<i>асосий гуруҳ беморларида парез томондаги ЭНМГ кўрсаткичларида М-жавоб амплитудаси, мотор ва сенсор толалар бўйлаб қўзғалиш тезлиги ҳамда потенциал латентлигида меъёр ва назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарқ аниқланди (p<0,05).</i>				

ИКОС кузатилган беморларда ЭНМГ кўрсаткичлари паретик томонда мотор ва сенсор нейрон фаолияти сусайиши, импульс тарқалишининг секинлашиши ва функциялар бузилишини кўрсатди; М-жавоб амплитудаси, сенсор СРВ ва латентликдаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончли (p<0,05).

Инсултнинг эрта тикланиш даврида ВАШ бўйича оғирлик даражаси билан параллел равишда оксидатив стресс биомаркёрлари МДА 3,8 дан 6,8 га нмоль/мл (p<0,001), NOx 45 дан 60 мкмоль/л га (p<0,01) ошган, GSH 720 дан 540 мкмоль/л га пасайганлиги аниқланиб (p<0,01), бу оксидатив стресс ва антиоксидант потенциал сусайишини кўрсатди. Инсулт тикланишининг кечки даврида МДА 5,7, NOx 54 мкмоль/л, GSH 600 мкмоль/л кўрсаткичлари билан юқори оғриқдаги беморларда сақланди (p<0,05). Резидуал даврда енгил оғриқда МДА 2,8, NOx 38, GSH 950 мкмоль/лга яқинлашган, кучли оғриқда МДА 4,8, NOx 50, GSH 720 мкмоль/л билан персистенцияси сақланди (p<0,05), оксидатив стресснинг узлуксизлигини кўрсатди (9-жадвал).


9-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида оғриқнинг оғирлик даражаси бўйича қон зардобда стресс-оксидатив биомаркёрлар кўрсаткичлари (M±m)

Инсулт даврлари	Оғриқ даражаси (ВАШ, балл)	MDA (1,5–3,0 нмоль/мл)	NOx (20–40 мкмоль/л)	GSH (800–1200 мкмоль/л)	
Эрта тикланиш даври	Енгил	3,2±0,3	3,8±0,3	45±3	720±40
	Ўрта	5,8±0,4	5,2±0,4**	52±4*	610±35
	Кучли	7,6±0,5	6,8±0,5***	60±5**	540±30**
Кеч тикланиш даври	Енгил	2,8±0,3	3,2±0,3	42±2	800±45
	Ўрта	5,1±0,4	4,5±0,3*	48±3*	690±40*

	Кучли	7,2±0,5	5,7±0,4**	54±4**	600±35*
Резидуал даври	Енгил	2,1±0,2	2,8±0,2	38±2	950±50
	Ўрта	4,8±0,3	3,5±0,3*	44±3*	820±45*
	Кучли	6,9±0,4	4,8±0,4**	50±3**	720±40**
Изох	*p<0,05–ўрта оғриқлар енгил оғриққа нисбатан, **p<0,01, ***p<0,001 кучли оғриқлар енгил оғриққа нисбатан,				

ИКОС беморларда ҳаёт сифати субшкалалар бўйича пасайган: жисмоний фаоллик 65,7±2,8, ролли фаоллик 46,8±5,6, оғриқ интенсивлиги 48,7±3,8, саломатлик 45,8±2,6, ҳаётга лаёқатлилиқ 51,6±2,7, ижтимоий фаолият 59,5±3,4, ролли эмоционал фаолият 47,3±5,7, рухий соғлиқ 45,7±2,3; асосий ва назорат гуруҳлари орасида фарқ статистик жиҳатдан ишончли ($p<0,01$), бу ҳаёт сифати жисмоний, ижтимоий ва рухий соҳаларда сезиларли пасайганини кўрсатди (4-расм).



4- расм. Инсултдан кейинги оғриқ синдромида ҳаёт сифати ҳолати

Шундай қилиб, ИКОС кузатилган беморларда ҳаёт сифати субшкалари назоратга нисбатан паст; ролли жисмоний фаоллик ($p<0,05$), ижтимоий фаолият ($p<0,05$), ролли эмоционал фаолият ($p<0,01$) ва рухий соғлиқ ($p<0,05$)да фарқ статистик жиҳатдан ишончли. Жисмоний фаоллик, ҳаётга лаёқатлилиқ ва умумий саломатликда фарқ статистик аҳамиятли эмас ($p>0,05$), оғриқ интенсивлиги ҳаёт сифатини сезиларли пасайтирди ($p<0,05$).

Диссертациянинг «Ишемик ва геморагик инсултдан кейинги оғриқ синдромини комплекс даволаш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида Асосий гуруҳда беморлар инсултнинг эрта, кечки ва резидуал босқичларига мувофиқ кичик гуруҳларга АГ-1 (1а-эрта тик. даври ($n=25$), 1б-кеч тикланиш даври ($n=37$), 1с-резидуал давр ($n=13$)) ва АГ-2 (2а-эрта тик. даври ($n=23$), 2б-кеч тикланиш даври ($n=34$), 2-с резидуал давр ($n=11$)) ларга бўлинди.

